# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 64 (8.799) ◆ 1996 йил 31 май, жума ◆ Сотувда эркин нархда


## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВГА ЖАҲОН ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ТАШКИЛОТИ ОЛТИН МЕДАЛИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 29 май куни мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (ЖИМТ) Бош директори Арпад Богшни қабул қилди.

Ислом Каримов мўътабар меҳмонни мамлакатимизга ташрифи билан қутлар экан, БМТ тизимидаги бу обрўли ташкилотда 23 йилдан буён раҳбарлик қилиб келаётгани жаноб А. Богшнинг ноёб қобилият ва катта иқтидор соҳиби эканидан дарак беришини қайд этди. ЖИМТнинг жаҳонда интеллектуал мулкни ҳимоялаш борасидаги фаолиятини юксак баҳолади.

— Ўзбекистон халқи бу йил истиқлолнинг беш йиллигини нишонлайди, — деди жумладан Президент. — Бироқ, халқимиз бой тарихга ва интеллектуал имкониятларга эгадир».

Ўзбекистон раҳбари шу ўринда фан ҳали у ёки бу халқнинг интеллектуал бойлиги даражасини ўлчаш имконини берадиган мезонларни кашф этмаганини, аммо, интеллектуал бойлик халқнинг юзлаб йиллик тарихи жараёнида шаклланишини таъкидлаб ўтди.



*СУРАТДА: мукофотни топшириш пайти.* Р. Жуманиёзов (ЎзА) олган сурат.

А. Богш самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистонга, жумладан Самарқанд ва Бухоро каби тарихий шаҳарларга ташрифи давомида ўзбек халқининг бой маданий ва интеллектуал мерос соҳиби эканига яна бир карра амин бўлганини таъкидлади. Ўзбекистон билан ЖИМТ ўртасидаги ҳамкорлик, мамлакатимизда интеллектуал мулкни авайлаш ва ривожлантириш борасида амалга оширилаётган улкан ишлардан мамнун эканини айтди. ЖИМТ давлат раҳбарлари орасида биринчи бўлиб Президент Ислом Каримовни олтин медаль билан мукофотлашга қарор қилганини билдирди. Илмий ва технологик ихтирочилик фаолиятига кўмаклашишга, шунингдек, мамлакатимизнинг жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти билан ҳамкорлигига шахсан қўшган буюк ва ижодий ҳиссаси учун юртбошимизга ЖИМТнинг олтин медалини топширди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Азизхўжаев, республика фан ва техника давлат қўмитаси раиси П. Ҳабибуллаев Ўзбекистон муаллифлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш давлат агентлиги раиси А. Орипов иштирок этди.

**(ЎзА).**



### ЖАҲОН ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ТАШКИЛОТИ МУКОФОТЛАШ ҲАҚИДАГИ ГУВОҲНОМА

Фан ва технология соҳасида кашфиётчилик фаолиятига ҳамда Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти билан ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашаётгани учун Ўзбекистон Республикаси Президенти, интеллектуал мулк ҳуқуқлари ҳимоячиси Ислом Каримов жаноби олийлари Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг Олтин медали билан тақдирланади.

**Арпад БОГШ,**
**Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти Бош директори.**
Женева,
1996 йил, май.




*Тошкент шаҳар ҳокимлигида*

## ЁЗГИ ТАЪТИЛ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТСИН

Кеча Тошкент шаҳар ҳокимлигида болаларнинг ёзги дам олишини уюшқоқлик билан ўтказишни таъминлашга бағишланган кенгаш бўлиб ўтди. Унда туман ҳокимлари, шаҳар бошқармалари, уюшмалари, концернлари, корхона, ташкилот ва муассасаларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

Кенгашни Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Равшан Файзуллаев олиб борди.

Кенгашда сўзга чиққан шаҳар қатор хизматларининг раҳбарлари Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар касаба уюшмалари кенгашининг болалар дам олиши ва соғломлаштиришини ташкил этишга қаратилган биргаликдаги қарори асосида идоралар, муассаса ва корхоналар оромгоҳлар ва соғломлаштириш муассасаларини ёзги мавсумга тайёрлаш юзасидан муайян иш қилганликларини кўрсатиб ўтдилар. Уларнинг кўпчилиги мактаб ўқувчиларини қабул қилиб олишга тайёр қилиб қўйилди.

Шу билан бир қаторда айрим раҳбарларнинг масъулиятсизлиги оқибатида баъзи оромгоҳларни таъмирлаш шу вақтгача тугалланмаган. Оромгоҳларни маблағ,озиқ-овқат маҳсулотлари, зарур жиҳозлар, спорт ва маданий моллар билан таъминлаш масалалари тўлалигича ҳал қилинмаган. Шунингдек, оромгоҳлар ва соғломлаштириш муассасаларига малакали мураббийлар, тренерлар, тиббиёт ходимларини юбориш масалаларида ҳам баъзи муаммолар мавжуд.

Кенгашда ёзги мавсумда болаларнинг мириқиб дам олиши ва уларни соғломлаштиришни таъминлаш юзасидан барча ташкилот, муассаса ва корхоналар олдида турган аниқ вазифалар белгилаб олинди.

## ЎЗИГА ХОС ТАРЗДА

***Шу кунларда шаҳримиздаги маҳаллаларда, мактабларда ва бошқа илм масканларида навбатдаги ўқув йили тугаганлиги ва Болаларни ҳимоя қилиш халқаро кунига бағишланган тадбирлар ўтказилмоқда.***

Куни кеча Чилонзор туманидаги Чилонзор маҳалласида ҳам ана шундай тадбир ўзига хос тарзда ўтказилди. Эрта тонгданоқ карнай-сурнай наволари маҳалла оталиққа олган Абдулла Қодирий номидаги 162-мактаб ўқувчиларини, уларнинг ота-оналарини, ўқитувчиларни ва маҳалла аҳлини гузарга чорлай бошлади. Маҳалла оқсоқоли Омонулла ҳожи Муталов ўқувчиларни ўқув йили тугаганлиги билан қутлаб, мустақил ҳаётга қадам қўяётган битирувчи синф ўқувчиларига олий ўқув юртларига ўқишга, турли соҳаларга ишга кириб, малакали мутахассис бўлиб етишишларини, ота-боболарининг асрий анъаналарини давом эттиришларини тилади. Шундан кейин республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви раиси Ҳожиакбар Бахтиёров кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига совға-саломлар тақдим этди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Наима Пўлатова, Муқимий номли мусиқали драма театри актёрлари Меҳмонжон Салимов ва Абдухолиқ Мамарасуловлар ўзларининг дилрабо куй ва қўшиқлари, ичакузди ҳангомалари билан йиғилганларга хуш кайфият улашишди. Мактаб ўқувчиларидан ташкил топган бадиий ҳаваскорлик тўгараги аъзолари ҳам маҳоратларини намойиш қилишди. Тантана сўнгида болакайлар ва аълочи ўқувчилар махсус автобусларга ўтириб, мароқли дам олиш учун «Боғи Эрам»га йўл олдилар.

Исмоил ЗОИРОВ.

## БУГУНГИ КУН «ТО» «ТО» НАФАСИ

### МАМЛАКАТИМИЗДА

❑ Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кеча Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти парламент ассамблеяси президенти Франк Свален раҳбарлигидаги делегация аъзоларини ҳамда ГФР ташқи ишлар федерал вазири Клаус Кинкелни қабул қилди.

❑ Кеча Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти парламент ассамблеяси делегацияси Олий Мажлисга ташриф буюрди.

❑ Германия ташқи ишлар федерал вазири Клаус Кинкел бошчилигидаги делегация аъзолари Олий Мажлис раиси Эркин Халилов ҳамда Бош вазир Ўткир Султонов билан учрашдилар.

❑ Кеча Олий Мажлисда Германиянинг Конрад Аденауэр фонди билан ҳамкорликда «Парламент аъзоларини профессионал жиҳатдан тайёрлашнинг халқаро тажрибасини ўрганиш» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унда Германия бундестаги делегацияси аъзолари ҳам иштирок этдилар. ГФР парламент делегацияси Олий Мажлис партия фракцияларининг раҳбарлари билан учрашдилар.

❑ ГФР ташқи ишлар федерал вазири Клаус Кинкел ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан учрашди. Шундан сўнг икки давлат ташқи ишлар вазирлари оммавий ахборот воситалари учун матбуот конференцияси ўтказдилар.

❑ Кеча ГФР ташқи ишлар федерал вазири Клаус Кинкел Тошкентдаги 33-автомат-телефон станциясининг очилиш маросимида иштирок этди. Ушбу телефон станцияси Германиянинг «Алкател сел АГ» фирмаси ҳомийлигида қайта жиҳозланди.

❑ Кеча пойтахтдаги «Туркистон» саройида республика адлия ходимларининг «Фуқароларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш» мавзусига бағишланган анжумани бўлиб ўтди.

❑ Бугундан эътиборан «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни амалга киритилди.

❑ Молия вазирлигида Бош вазир ўринбосари, молия вазири Бахтиёр Ҳамидов жаноб Жан-Даниел Гербер бошчилигидаги Жаҳон банки ижроия директорлари делегацияси билан учрашди.

❑ Сурхондарё вилоятининг Денов ва Қашқадарё вилоятининг Усмон Юсупов туманлари пиллачилари пилла тайёрлаш режасини адо этдилар.

❑ Сурхондарё вилоятида арпа ўришга киришилди.

### ҲАМДЎСТЛИКДА

❑ Бугун ярим тунда Чеченистонда ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги аҳдлашув кучга киради.

❑ Тожикистонда хусусийлаштиришнинг учинчи босқичи бошланганлиги эълон қилинди.

❑ Бугун Арманистонга Франциянинг парламент делегацияси келади.

❑ Бокуда Каспий денгизи экологияси муаммоларига бағишланган халқаро анжуман иш бошлади.

❑ Россия ўрмонларида қурғоқчилик туфайли ёнғин тобора кучайиб бормоқда. Биргина Бурятияда ҳозир 74 минг гектар ўрмонзорга ўт кетган.

### ХОРИЖДА

❑ Франция Президенти Жак Ширак 1997 йил 1 январдан мажбурий ҳарбий хизмат бекор қилинишини эълон қилди. Мамлакатда яқин олти йил ичида ҳарбий хизматчилар сони ҳозирги 500 мингтадан 350 мингтага камайтирилиши мўлжалланган.

❑ Дастлабки маълумотлар 29 май куни Исроилда бўлиб ўтган парламент сайловларида Беньямин Натаньяху бошчилигидаги мухолифатчи «Ликуд» партияси ҳозирги Бош вазир Шимон Переснинг «Авод» партиясидан бирмунча кўп овоз олганлигини кўрсатяпти. Сайловнинг узил-кесил якунлари якшанба куни эълон қилинади.

❑ Тахмин қилинганидек яқинда сайловларда нисбатан кўпчилик овозни олган Бхаратия жаната партининг Атал Бехари Важпаи бошчилигидаги ҳукумат 13 кун умр кўрди, холос. Унинг ҳукумати парламент томонидан тасдиқланмаслиги маълум бўлгач, мамлакат президенти Бирлашган фронт сўл марказ блоки етакчиси, 63 ёшли Деве Говдага ҳукумат тузишни топширди. Янги Бош вазир номзоди сайловларгача ҳукмрон бўлган Ҳиндистон миллий конгресси томонидан ҳам маъқулланди.

❑ Албанияда 26 майда бўлиб ўтган парламент сайловлари якунларини шубҳа остига олган собиқ коммунистик партия тарафдорлари мамлакатда оммавий норозилик намойишлари ўтказмоқдалар.

❑ Дания фуқаролари ўз қироличалари Маргит таваллуд топган куннинг 56 йиллигига унга қарийб 25 миллион доллар турадиган XVIII асрда қурилган қалъани совға қилдилар.

БУГУНГИ КУН НАФАСИ • БУГУНГИ КУН НАФАСИ • БУГУНГИ КУН НАФАСИ • БУГУНГИ КУН НАФАСИ • БУГУНГИ КУН НАФАСИ

*Марказий Осиё — ҳамкорлик йўлларида*

## ХАЛҚАРО ИЛМИЙ АНЖУМАН

***Яқинда Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетида бўлиб ўтган халқаро илмий анжуман «Тянь-Шан металлогенияси» мавзусига бағишланди. Анжуман университет ректори, академик Т. Миркомилов маърузаси билан очилди.***

Ушбу анжуманда «Қатламлараро конларни ўрганиш муаммолари» (академик У. Асаналиев, Қирғизистон), «Қозоғистоннинг олтинли маъдан конлари» (геология-минералогия фанлари доктори, профессор Т. Жаутиков, Қозоғистон), «Металлогения ва математик усуллар» (академик Ф. Усмонов, Ўзбекистон), «Пневматолизм ва рудалашиш» (геология-минералогия фанлари доктори, профессор К. Бабаев, Ўзбекистон), «Космофотоматериалларнинг янги авлоди ва уларнинг геологик муаммоларни ечишдаги роли» (геология-минералогия фанлари доктори, профессор Ш. Эргашев) ва бошқа қатор маърузалар билан қатнашган олимлар долзарб масалаларни кўтариб чиқдилар.

Маъруза ва мулоқотлар бу соҳада ечилиши лозим бўлган муаммоларнинг кўпи ҳали олдинда эканлигини кўрсатди. Яна шу нарса тасдиқландики, кўп фанларда бўлгани каби геология фанининг бу соҳаси ҳам миллий ва ҳудудий чегара билмаслигини, Марказий Осиё илмий кучларини халқларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини юқори даражага кўтариш йўлидаги ҳамжиҳатлигини ривожлантириш ва такомиллаштириш долзарб бўлиб келаётганлигини кўрсатди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

*Шаҳар ҳокимлиги назорат инспекциясида*

## ФАРМОН ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА?

***Тошкент шаҳар ҳокимлиги назорат инспекцияси ҳузуридаги назорат қилувчи идоралар фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш масалалари бўйича идоралараро кенгаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 23 августдаги «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қандай бажарилаётганлигини кўриб чиқди.***

Ушбу масалани ўрганиш туман ҳокимликлари, маҳалла қўмиталари томонидан моддий ёрдамга муҳтож оилаларга кўмаклашиш учун кўп нарса қилинаётганлигини кўрсатди. Фақат шу йилнинг биринчи чорагида 34,5 минг оила 41 миллион сўмликдан кўпроқ моддий ёрдам олди.

Шу билан бир қаторда текшириш давомида моддий ёрдам кўрсатиш амалдаги тартибининг баъзи бузилиш ҳоллари аниқланди. Бу энг аввало оила даромади, кўмакка эҳтиёжмандлиги ҳақида ҳужжатлар бўлмаган ҳолда моддий ёрдам кўрсатиш белгиланганлигидир. Жумладан, Чилонзор туманидаги Лутфий маҳалласида зарур ҳужжатлар расмийлаштирилмаган ҳолда 37 оилага жами 50 минг 700 сўм миқдорида моддий ёрдам берилган. Бектемир туманидаги Роҳат ва Бектемир маҳаллаларида 160 оилага жами 86 минг сўмлик ёрдам амалдаги тартиб бузилган ҳолда тайинланган.

Текшириш жараёнида моддий ёрдам яхши таъминланган оилаларга кўрсатилганига оид айрим ҳоллар маълум бўлди. Ҳусусан, Ҳамза туманидаги Донишманд маҳалласида бир фуқарога у ойига 1000 сўмдан ортиқ пенсия олаётгани ҳолда 600 сўм миқдорида моддий ёрдам берилган. Шу маҳаллада бир оилага оила аъзолари ҳар бирининг ойлик ўртача даромади 1330 сўм бўлгани ҳолда моддий ёрдам берилган. Собир Раҳимов туманидаги Охунбобоев туманида шахсий автомобиллари бўлган 9 оилага моддий ёрдам кўрсатилган.

Айни пайтда ҳақиқатан ночор оилаларга моддий ёрдам кўрсатилмаётганлиги ҳоллари ҳам аниқланди. Масалан, Сергели туманидаги Шукур Бурхонов маҳалласида икки оилага уларда оила ҳар бир аъзосига тўғри келадиган ойлик даромад 164 ва 630 сўм бўлгани ҳолда моддий ёрдам кўрсатишда рад этилган.

Моддий ёрдам кўрсатишда ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилиб, қонунни бузаётганлар ҳам учраб турибди. Чунончи, Юнусобод туманидаги Собиробод маҳалла қўмитаси раиси ва моддий ёрдам кўрсатиш бўйича комиссия аъзолари 20 минг сўмга яқин маблағни ноқонуний ўзлаштирганлар. Миробод тумани назорат инспекцияси Президент Фармони чиққандан буён 300 тадан кўпроқ кам таъминланган оила ажратилган қарийб 82 минг сўмни олмаганликларини аниқлади.

Идоралараро кенгаш мажлисида бу камчиликлар ва нуқсонлар аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун жавобгар баъзи раҳбарларнинг ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан муносабатда бўлишлари туфайлигина рўй берганлиги таъкидлаб ўтилди. Қабул қилинган қарорда туман ҳокимликларига текшириш якунларини муҳокама қилиш, Президент Фармони бажарилишини таъминламаётганларни жавобгарликка тортиш топширилди. Молия идоралари ва банк муассасалари раҳбарларидан моддий ёрдам кўрсатиш учун ажратилган маблағ ўз мақсадида ва тўғри ишлатилиши устидан назоратни кучайтириш талаб этилди.

Маҳалла қўмиталари билан ишлаш бўйича туман мувофиқлаштирувчи кенгашлари раисларига кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатилишида ижтимоий адолат тамойилларига риоя этилиши учун зарур чора-тадбирлар кўриш топширилди.

Моддий ёрдам кўрсатилиши билан боғлиқ масалалар шаҳар ва туман назорат инспекциялари томонидан қўшимча назоратга олинди.

*Обуна — йил бўйи*

## ҲАЛИ ҲАМ ВАҚТ БОР

Айни кунларда Тошкент шаҳрининг алоқа бўлимлари ва обуна пунктларида 1996 йилнинг иккинчи ярми учун обуналар давом этмоқда. «Тошкент оқшоми»га келаётган хатларда муштарийларимиз ўзлари севган бу нашрга йил бўйи обунани расмийлаштириш имконияти яратилганлигидан мамнунликларини изҳор этишиб, ўз дил сўзларини йўллаганлар. Дарҳақиқат, газетага обуна бўлганлар асло ютқазишмайди. Чунки «Тошкент оқшоми» газетаси чакана савдога жуда ҳам чекланган миқдорда чиқади. Шу боисдан агар муштарийларимиз йилнинг иккинчи ярми учун обунани расмийлаштирган бўлсалар, нур устига аъло нур. Лекин улар яна йил бўйи яхши бир имкониятга ҳам эгадирлар. Чунки муштарийлар шаҳримизнинг хоҳлаган алоқа бўлимига кириб, ҳар ойнинг ўнинчи кунига қадар обунани расмийлаштирсалар, келаси ойдан бошлаб яна газетани мунтазам ола бошлайдилар. Шундай қилиб газетага йилнинг иккинчи ярмига ёзилишга ҳали вақт бор.

«Тошкент оқшоми»га Ўзбекистон Республикасининг барча вилоят ва шаҳарларида чекланмаган миқдорда бирор монеликсиз ёзилиш мумкинлигини муштарийларимизга яна бир бор эслатиб ўтмоқчимиз. Агар обуна масаласида бирорта муаммо туғилгудек бўлса, «Тошкент почтаси» ишлаб чиқариш корхонасига — 33-47-49 рақамли телефонга ёхуд «Тошкент оқшоми» таҳририятига — 33-29-70 рақамли телефонга мурожаат қилинг. Газетани элтиб бериш масаласида эса ўзингиз истиқомат қиладиган жойдаги почта бўлимларига мурожаат қилишингизни маслаҳат берамиз.

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ГАЗЕТАСИНИНГ ОБУНА НАРХИ:**

| | Уйга етказиб бериш | Абонент қутисига етказиш |
|---|---|---|
| ● Бир ойга | 64 сўм | 54 сўм |
| ● Уч ойга | 192 сўм | 162 сўм |
| ● Ярим йилга | 384 сўм | 324 сўм |

● **«Тошкент оқшоми» газетасининг индекси — 64690.**

*Ҳунари гўзаллар*

## ИШТИЁҚИНГИЗГА ТАСАННО

***Қўли гул усталар ҳақида кўп гапириб, кўп эшитганмиз. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида айнан ёшларнинг ҳунарга бўлган иштиёқларини кўриб кўзимиз қувнади, дилимиз яйради.***

Икки кун давом этган ҳунар-техника билим юрти ўқувчиларининг VII республика ярмаркаси шаҳримиздаги кўплаб ёшларни изланишга, тадбиркорлик билан иш юритишга тараддудлантирган бўлса ажаб эмас. Чунки ярмаркада иштирок этаётган 470 дан зиёд ҳунар-техника билим юртларининг вакиллари бир-бирлари билан тажриба алмашдилар, имкониятга қараб ҳамкорлик қилиш йўлларини ўйлаб кўриш таклифларини ҳам тушунтирдилар.

Шаҳримиздан 44 та ҳунар-техника билим юрти ярмаркада қатнашди. Ҳар йили бўлиб ўтадиган бу ярмаркада ҳунармандчиликнинг барча турлари ёрдамида тайёрланган маҳсулотлар кўргазмага қўйилди. Асосий кўргазма вақти тугагач халқ истеъмоли буюмларини сотишга ҳам рухсат этилди.

— Ўтган йили кулолчилик маҳсулотларидан тайёрланган турли ҳажмли гулдонлар олган эдим, — дейди Собир Раҳимов тумани фуқароси Дилобар Мўминова. — Бу йил эса рўзғорга керак бўладиган кетмонча, болғача ва зардўзлик буюмларидан сотиб олдим. Бу маҳсулотларни шаҳримиз дўконларидан сотиб олсак ҳам бўлади, лекин ёш болаларнинг меҳнатига тасанно айтгим келгани учун ҳам, айнан шу ердан сотиб олдим. Маҳсулоти сотилган болакай ёки қизалоқнинг қалби ғурурланиб, келажакда бундан ҳам яхшироқ меҳнат қилишга, одамларга нафи тегишини сезиш иштиёқига эга бўлади.

Менга яна Акмал Икромов туманидаги 12 ҳамда Сергели туманидаги собиқ 32-ҳунар-техника билим юртига қарашли «Дўстлик-2» ўзбек-хитой қўшма корхонаси қандолати, 26-техника билим юрти заргарларининг маҳсулотлари жуда-жуда ёқди. Юртимизда шунчалар кўп ёш ҳунармандлар борлигидан, шундай меҳнатсевар юртнинг фуқароси эканлигимдан мамнун бўлиб кетдим.

Кўргазмали ярмаркадан олинган фойда, албатта ҳар бир ҳунар-техника билим юртининг маиший хизмати, ижтимоий ҳимояси, қурилиш-таъмирлаш ишларига сарфланади. Ярмарка сўнгида одатдагидек ёш ҳунармандлар бошқа вилоятлардан келган дўстлари билан хайрлашишдан олдин ўз маҳсулотларидан айирбошлашди.

Гулбаҳор МЎМИНОВА.

*Танловлар*

## БАХШИЛИ ЭЛ БАХТЛИ ЭЛ

***Халқимиз «Бахшили эл — ботир эл», «Оқинли эл — оқил эл» деб бежиз айтмаган. Қадим замонлардан буён ҳар бир элнинг бахшиси ўз халқининг энг ҳурматли одамларидан бўлиб, элни ўз орқасидан эргаштира олганлар. Улар куйлаган мавзулар хилма-хил, энг асосийси Ватан, қаҳрамонлик, баҳодирлик, ишқий, диний ва ахлоқий мазмундаги достонлардан ташкил топган.***

Муқимий номли ўзбек давлат мусиқали театрида Маданият ишлари вазирлиги, Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар Республика марказа томонидан Марказий Осиё мамлакатларининг бахши шоирлари ва оқинлари иштирокида кўрик-танлов бўлиб ўтди. Бахшиларнинг ижролари шоир Нормурод Нарзуллаев, санъатшунослик доктори, профессор Муҳсин Қодиров, филология фанлари доктори, профессор Малик Муродов, филология фанлари номзоди Турди Қолдибоев ва мусиқашунос Ботир Матёқубовлар томонидан баҳолаб берилди.

Вилоятлардан келган таниқли бахшилар Ватан ҳақидаги ҳамда соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишланган термалардан, халқ достонларидан парчалар ижро этдилар. Кўрик-беллашувда Хоразм вилоятининг Хива туманидан келган «Достон» дастаси олий ўринни олишга муваффақ бўлди. Қашқадарёлик Қаҳҳор бахши Раҳимов, сурхондарёлик Исмоил бахши Анваровлар биринчи ўринни эгалладилар. Иккинчи ўринга эса Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл туманидан А. Хўжақов, Тошкент вилоятидан М. Умаров, сирдарёлик С. Гулмуродов, самарқандлик З. Исломовлар сазовор бўлдилар. Танловда қатнашган 8 ёшли энг ёш ижрочи Ислом Зиёдуллаев ва 80 яшар Акром булбул Собировларнинг маҳорати ҳам қизғин олқишланди. Совринли ўринни эгаллаган бахшиларга дипломлар ва эсдалик совғалари топширилди. Бу сафарги танловнинг аввалгилардан фарқи — унда республикамизда яшовчи барча миллатга мансуб бахши, шоир ва оқинлар қатнашдилар.

Гулнора ҚУРБОНОВА.

